

Танловга: Соғлом фарзанд - келажак пойдевори

15:47 / 19.04.2017 6461

Хар бир ота-она ўз фарзандининг бахту - саодатли, маънавий соғлом, истиқболи порлоқ, келажакдаги мустакил ҳаётида ҳам моддий жихатдан соғлом бўлиб яшамоғини орзу қилади ва шу мақсадга эришиш учун бутун умрини, бор-йўғини сарф қилади. Айниқса, бу боласевар халкимизнинг калбига сингиб кетган фазилатдир.

Ислом дини таълимотига кўра, фарзанд Аллоҳ таоло томонидан ато этилган улуғ неъмат бўлиши билан бирга, у ота - онага топширилган масъулияти жуда катта омонат ҳамдир. Болани аклан ва жисмонан соғлом холда парвариш қилиш, унга одоб - ахлоқ, ва мусулмончиликка оид бошланғич маълумотларни ўргатиб бориш хар бир ота - онанинг кундалик вазифалари сирасига киради. Оиладаги соғлом муҳит ва тўғри тарбия фарзанднинг кейинги оладиган билим ва касб - ҳунарлари учун пойдевор вазифасини ўтайди. Фарзандларимизнинг мактаб ва ўқув юртларида яхши ўқиб, турли касб ҳунарларни тўла эгаллашга тайёрлаш ўзимизга боғлиқ. Бола тарбияни дастлаб оиласида олади. Катта-ларнинг бутун хатти-ҳаракатларини худди сурат-га олгандек онгига жойлаб, улгайгач, уларни ҳаётига татбиқ этади. Ахлоки ёмон болалар асосан муҳити соғлом булмаган оиладан чиқиши маълум. "Бугунги угри, фирибгар ва хулқи ёмон кимсалар кеча тарбиясига эътибор берилмаган болалардир!" деган эди Абдулла Авлоний. Оиладаги тарбиядан ташқари, болаларимизнинг куча-куйда юриш-туришларига ва кимлар билан алоқа қилаётганига ҳам алоҳида аҳамият беришимиз керак. Ёшларнинг ич-киликбозлик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш ва ахлоқсиз кунгилочар мас-канларда тентираб юришлари каби миллий ва диний қадриятларимизга мутлақо зид, зарарли иллатларга ча-линишлари бизнинг бепарволигимиздан бошланишини унутмайлик.

Менимча, фақат ота-онасини йукотган эмас, балки қаровсиз қолган, тарбиясига биров аҳамият бермаган бола ҳам етим ҳисобланади. Келажакимиз бўлган болаларимиз тар-биясига катта аҳамият беришимиз, уларнинг юксак ахлокий қадриятлар, мил-лий ва диний анъаналари-мизга содиқ бўлишларига гайрат қилишимиз лозим. Пайгамбаримизнинг "Ота ўз фарзандига чиройли тарбиядан яхшироқ мерос қолдиrolмайди" (Термизий

ривояти), деган хадиси шарифларини ёдимиздан чиқармайлик.

Болаларимизни ўз холларига ташлаб қўйсак, кимлар билан ўртоқлашяпти, қайси кўчада юрибди, нималарга қизиқиш пайдо қиляпти деб қизиқмасак, бунинг оқибати яхши бўлмайди. Ёшлиқдан чекиш ва гиёхвандликка ружу қўяётган, мактабдаги, коллежлардаги дарсини турли бахоналар билан қолдириб, бепарво юрадиган болаларга тўғри йўл кўрсатиб, уларга илмнинг ахамияти ва ёшлиқ қадрини тушунтириб бориш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Муқаддас динимиз кўрсатмалари бўйича мўмин – мусулмонлар, имон – эътиқодли инсонпарвар ва меҳнатсевар бўлишлари керак. Оят ва хадисларда илм – маърифат билан шуғулланиш нафл ибодатлардан улуғроқ эканлиги ҳақида етарли далиллар бор.

Илк туширилган оятда : “Аллох сизлардан имон келтирган ва илм ато этилганларни баланд даражага кўтарур. Аллох қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир” деб марҳамат қилади. Анас ибн Моликдан қилинган куйидаги хадисда ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни талаб қилишнинг фарзлиги маълум бўлади: “Илм Чинда (Хитойда) бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”.

.Ислом таълимотида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига жиддий аҳамият берилган. Бу ҳақда Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи ва саллам): яъни: «Фарзандларингизга сузиш ва камон отишни, кизларга касб-хунарни ўргатинглар», деганлар (Байхакий ривояти).

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг улғайиб, комил инсон бўлишлари учун давлатимиз барча зарур моддий ва маънавий шароитларни муҳайё қилди, спорт иншоотлари, дам олиш ва истирохат масканларини барпо этиб, ёшлар ихтиёрига бериб қўйди. Ҳар йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари зўр тантана ва шукуҳ билан утаётир.

Маълумки, мамлакатимизнинг барча худудларида болаларнинг, айниқса, ўсмирларнинг соғлом ўсиб-улғайиши, илм олиши, касб-хунар эгаллаши учун катта имконият ва шароитлар яратилмоқда. Олдин ҳам таъкидлаганимиздек, бу борада жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни каттадир. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун»,

«Болалар», «Меҳр нури», «Сен ёлгиз эмассан», «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш», «Меҳр-шафкат ва саломатлик» ва «Мактаб таълими» каби жамгармалар алоҳида тахсинга лойик фаолият олиб боришяпти.

Шубҳасиз, ота-она, оила, маҳалла, мактаблар бола-лар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Фарзанд-ларимизни чиройли одоб-ахлоқ, яхши таълим-тарбия асосларида вояга етказиш давлат миқёсидаги долзарб масала экани ҳар биримизга яхши маълум.

Фарзандларни ёшлик чоғларидан бошлаб илму маърифатга қизиқтириб, ўргатиб бориш лозим булади. зеро, ўзида илму фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиш уйғотиб, ўқиб-ўрганиб, маълумот ҳосил қилган киши, албатта, ўзи, оиласи, халқи ва Ватани учун манфаат келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади.

Айниқса, таълим муассасаларида ўқишни тугатиб, ёзги таътилга чиққан фарзандларимизга эътиборли булишимиз лозим. Уларнинг илм ўрганишларига, қизиқарли дам олишларига қулай шароитлар яратиб берайлик. Ота-оналар фарзандларини кўча-кўйда беҳуда тентираб, бўлмагур, ножуя хатти-харакатлар қилишдан сақлаб, гўзал хулқ эгаси бўлишга чакиришсин.

Одатда, оналар ўз болаларининг хато ва камчиликларини отасидан яширишга ҳаракат қиладилар. Айтсам уришади, боламга қаттиқ тегади деб, йўл қўйган хатолари, қўл урган майда-чуйда жиноятларини отасига ўз вақтида айтмайдилар. Натижада, бола ўз вақтида танбех олмаганидан кейин бора-бора каттароқ жиноятларни ҳам қўрқмасдан килаверишга ўтиб қолиши мумкин. Шунинг учун фарзанднинг баркамол инсон булиб етишувида онанинг хизмати жуда зарур ва муҳимдир.

Фарзандларнинг келажакда қайси тоифадаги кишиларга ўхшаб қолиши ҳақида жаноб Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадиси шариф ворид бўлган: «Ҳар бир фарзанд мусулмон фитратида туғилади, лекин уни яҳудийга айлантириб юборадиган ҳам, насроний ёки мажусийга айлантириб юборадиган ҳам унинг ота-онасидир» (Имом Бухорий ривояти).

Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг бахт-саодати йўлида ёшларимизнинг илму фан ва касбу ҳунар соҳиблари бўлиб етишишлари учун давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрлик билан бирга ота-оналарнинг бу борадаги доимий ҳаракатлари ҳам жуда аҳамиятлидир.

Фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллат улуғларига, мукаддас Ислом дини анъаналарига содиқ бўлиб қолишсин. Чунки илмли, одобли, фаросатли одам хаётда ўрнини топиб олади. Китоблардан ўрганилган маърифий илм қаторида оилада олинган хаёт илми хам уларга сув ва хаводек зарур.

Фарзандлари улғайган сари улар тақдирига хушёрроқ қараш, уларни юксак қадриятларимизнинг асл ва бақувват илдизларидан бахраманд этиш, бугунги турмуш тарзимизга мос тарбия бериш ота-оналар зиммасидаги муҳим вазифалардан саналади. Кези келганида фарзандларимизнинг бирига айтилган насихат айни чоғда унинг ака-укаларига хам тегишли бўлиши, хонадондагиларнинг барчасига бирдай таъсир қилишини ўйлаб иш тутишимиз ва фарзандларимизнинг илм олишлари, касб-хунар эгаллашларига хамдард ва хамфикр бўлишимиз зарур. Шунингдек, уларни теварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ходисаларга, ўзгаришларга дахлдорлик руҳида тарбиялашимиз, келажакка катта ишонч билан бокишга ўргатишимиз керак бўлади.

Хулоса килиб айтсак, ёшларимизнинг хар томонлама комил, гўзал хулкли, мустакил фикр ва дунёқарашга эга, турли салбий одат, иллат ва таъсирлардан холи равишда вояга етказишда жамоат ташкилотлари, ота-она, маҳалла фаоллари ва уламоларнинг ўрни бекиёсдир.

Андижон вилоят Пахтабод туман

“Абу Бакр Сиддиқ” жомеъ масжиди имом хатиби:

А.Усмонов.